VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

36 (520) ● 2018 йил 1 сентябрь, шанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни энг буюк, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Биз учун янги давр, эркин ва озод ҳаётни бошлаб берган шу қутлуғ санада халқимиз қандай машаққатли ва айни вақтда шарафли йўлни босиб ўтганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз.

Мана шундай улуғ айёмда бутун ҳаётини озодлик учун курашга бағишлаган, бу йўлда жон фидо қилган ота-боболаримиз, мард ва жасур юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг барҳаёт номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, **миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари** дадил қадам қўймоқдамиз.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Бу ноёб ҳужжатда белгиланган улуғвор вазифаларни рўёбга чиқаришга қатъий киришганимиз биз учун янги уфқ ва имкониятлар очиб бермоқда.

Дунё миқёсида рақобат кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш энг муҳим вазифамизга айланмоқда. Ана шундай ўткир талабни чуқур англаган ҳолда, биз 2018 йилни юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб эълон қилдик.

Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида 11 триллион 200 миллиард сўм ва 1 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур ижросини таъминлаш учун кенг кўламдаги улкан ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда **фаол инвестиция сиёсати** юритилмоқда, замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янгича ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида замонавий, истиқболли тармоқларга асос солиш, кластер тизимини йўлга қўйиш, фермер хўжаликларининг натижадорлигини кучайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай улкан саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизда **макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда.**

Биз учун энг устувор вазифа бўлган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбековнинг таклифига биноан 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистонга ташриф буюриб, Туркийзабон давлатлар ҳамкорлиги кенгашининг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитида иштирок этади.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**
**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

Туркманистон халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали қардош ўзбек халқига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрик ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Яқинда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари саммити доирасида бўлиб ўтган учрашувимизни катта мамнуният билан эслайман.

Ўшанда очиқлик ва ишонч муҳитида ўтган музокараларда Туркманистон – Ўзбекистон дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантиришга бирдек интилишимиз яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига қатъий ишонаман.

Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Чуқур ҳурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**

3-бет

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

***"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди***




Мустақиллик – улуғ неъмат. Зеро, у барча халқларни жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг, ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлиш бахтига муяссар қиладиган энг азиз байрам.

1991 йил 31 август — мамлакатимиз ана шундай тарихий ютуққа эришган буюк сана. Аждодларимизнинг асрий орзуси ушалган, миллий ўзлигимиз, қаддимиз ва қадримизни тиклаган бу кунни халқимиз ҳар йили катта шодиёна билан нишонлайди.

Мустақилликнинг қадр-қиммати ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда, демократик янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Ўтган давр эркин ва фаровон ҳаётни, буюк келажакни фақат ва фақат мустақиллик асосидагина қуриш мумкинлигини кўрсатди.

2-бет

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги байрами арафасидаги фармонларига мувофиқ, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматлари учун бир қатор чет эл фуқаролари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.***

31 август куни мамлакатимиз тарихида биринчи марта чет элликларга Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев бугун кўп миллатли халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигини кенг нишонлаётганини, ушбу тарихий санани биз билан биргаликда давлатимизнинг кўп сонли дўстлари ва шериклари – дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, йирик хорижий компаниялар ва молия институтлари вакиллари байрам қилаётгани ҳаммамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади.

2-бет

## АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ ЯШАЙДИ

***Эл-юртимиз озодлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси, миллий қадриятларимизни ҳимоя қилишда, мустамлакачиликка қарши машаққатли курашларда қурбон бўлган юртдошларимиз хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.***

Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, кўплаб гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизларининг хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан буён ҳар йили 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланиб келмоқда.

Қурбон бўлганларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи бунёд этилди. Бу масканлардан зиёратчилар қадами узилмайди.

...31 август. Эрта тонг. "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Президентимиз диний уламолар, жамоатчилик вакиллари, таълим соҳаси мутасаддилари билан суҳбатлашди.

– Ватанпарвар инсонларни эъзозлаш, ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялаш, уларда буюк аждодларимиздек мард ва жасур бўлиш туйғусини юксалтириш лозим, – деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун Ўзбекистон Ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази ва олий таълим муассасалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, таълим дастурларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

3-бет

Истиқлол шукуҳи

## ВАТАН — ОНА КАБИ МУҚАДДАС

### ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА ЎТГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИДА АНА ШУ ҒОЯ УСТУВОР БЎЛДИ

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, партиянинг Тошкент вилоят кенгаши ҳамда Юқори Чирчиқ туман ҳокимлиги ҳамкорлигида туман марказидаги "Ёшлар боғи"да "Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида "Ватан — она каби муқаддас!" мавзусида байрам тадбири ўтказилди.***

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Ҳанифа Зокирова, партиянинг Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров, Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Ускенбай Атемов ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги туризмни ривожлантириш департаменти раҳбари, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раисининг мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Аҳмаджон Умаров буюк ва бебаҳо неъмат — Мустақиллигимизнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти янада юксалиб бораётганини таъкидлади.

— Бу байрам-тантаналарнинг кўтаринки руҳда ўтиши замирида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва тотувлик, инсон қадри юксак қўйилаётгани мужассам, — дейди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Бугун юртимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар барчамизни янада юқори марралар сари чорлайди.

4-бет




Ўзлик ҳақида суҳбат

## АДАБИЁТНИНГ АСОСИ МАЪНАВИЯТДИР



***ХХ асрда жамият ҳаётида улкан эврилишлар юз берди. Айниқса, аср бошида ўзлигини англаган зиёли қатламга турли тазйиқлар ўтказилди, маърифатпарвар ижодкорлар, адабиёт вакиллари кескин қораланди, аксарияти жисмонан йўқ қилинди. Хусусан, ўтган асрнинг 37-38 йилларида ўлкамизда ҳукмрон тузум тазйиқи билан кўплаб бегуноҳ инсонлар қатағон қилинди. Мустақиллик йилларида қатағон қурбонига айланган миллатимиз фидойилари номларини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. 2002 йил 31 августда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси очилди ва шу сана ҳар йили Ўзбекистонда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди.***

Бу галги "Ўзлик ҳақида суҳбат"да ўзининг узоқ йиллик ижодий ва илмий фаолияти давомида кўплаб китоблар, мақолалар муаллифи бўлган, асарларида ХХ аср ўзбек маърифатпарварлари ҳаёти ва ижодини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик **Наим КАРИМОВ** билан суҳбатда бўлдик.

Суҳбатни таниқли ёзувчи, партиямиз фахрийси **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД** олиб борди.

6-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини **www.milliytiklanish.uz** сайтида, шунингдек, **fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz** ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Айниқса, **"Обод қишлоқ"** ва **"Обод маҳалла"** дастурлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгиланиш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда. Одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, қишлоқда турмуш маданияти ошиб бормоқда.

Бутун мамлакатимизни қамраб олган мазкур дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Буларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонимизнинг янги, обод қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳолимизнинг **замонавий уй-жойга** бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 13 минг 900 дан зиёд оилага мўлжалланган 335 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди. Йил охиригача бу рақам 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпаяди.

Ана шу йўналишдаги ишлар қишлоқ жойларда ҳам янгиланган лойиҳалар асосида олиб борилмоқда. Ҳозирги кунга қадар қишлоқларда 40 мингта оила янги хонадонларга кўчиб кирди.

Бу борада биз илгари етарлича эътибор бермаган муҳим масала – яъни, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг тасдиғини ўтган 2 йилда 1000 нафардан ортиқ шу тоифага мансуб инсонлар уй-жой билан таъминланганини мисолида кўриш мумкин.

Албатта, барчамизни хурсанд қиладиган бундай ўзгаришлар минг-минглаб оилалар ҳаётига шодлик ва бахт олиб келмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётда мана шундай қувончли воқеалар юз берганда инсоннинг қадди ҳам, қадри ҳам кўтарилади. Бундай дамларда адолат ҳақида гапирмасангиз ҳам одамлар ҳақиқат ва адолат борлигига ишонади.

Илоҳим, юртимизда уй тўйлари, ҳовли тўйлари янада кўпайсин, бу хонадонларда янги ҳаёт бошлаётган одамлар мурод-мақсадига етсин!

**Аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир оилада тадбиркорлик муҳитини яратиш** бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Кейинги икки йилда мамлакатимиз бўйича 700 мингдан ортиқ юртдошларимиз иш билан таъминлангани, тижорат банклари томонидан тадбиркорларга 25 триллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз мамлакатимизда қандай дастур ва режалар қабул қилсак, уларнинг барчасида умидимиз, келажагимиз бўлган **ёшларимиз манфаатларини** алоҳида ҳисобга олмоқдамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда янги олий ўқув юртлари, хориждаги нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилаётгани, қабул квоталари оширилгани, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар очилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни вақтда буюк алломаларимиз номидаги махсус мактаблар, ҳудудларимизда атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари иш бошлагани, ёшларимиз ўртасида турли танлов ва фестиваллар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани уларнинг илмий ва ижодий камолотида катта роль ўйнамоқда.

Жамиятимизда **"Қонун ва адолат – устувор", "Жиноятга жазо муқаррар"** деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли биз йиллар давомида деярли унутиб қўйган тартиб-интизом, қонун-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётимизда тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Халқимизга хос кечиримли, раҳм-шафқатли бўлиш, бағрикенглик ва олижаноблик фазилатлари асосида жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳит мустаҳкамланиб бормоқда.

Билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган фуқароларни кечириш, уларни оиласи бағрига, фойдали меҳнатга қайтаришга қаратилган тадбирлар ҳақида сизлар яхши хабардорсиз.

Куни кеча қабул қилинган Президент фармонига биноан қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар шахс Мустақиллик байрами муносабати билан афв этилгани шу эзгу ишларимизнинг давоми бўлди.

Тасаввур қилинг, 261 инсон тақдиридаги бундай ўзгариш – бу аввало уларнинг оиласи, фарзандлари, ота-оналари, яқинлари ҳаётига нур олиб кирди, қувонч олиб кирди, деганидир.

Азиз юртдошлар!

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтиш мумкин: **бутун жамиятимизни қамраб олаётган ана шундай эзгу ишларимиз туфайли ҳаётимизда файзу барака, миллатлараро дўстлик ва меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бормоқда.**

Энг муҳими, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатимиз эл-юртимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Халқимизнинг розилиги – бизнинг, биринчи навбатда, Президент сифатида менинг, барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар, депутат ва сенаторлар, бутун давлат идораларининг фаолиятига берилган энг олий ва энг адолатли баҳодир.

**Агар халқимиз биздан рози бўлса, Яратган ҳам албатта рози бўлади.**

Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги зарур.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мана, бугун Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган юртдошларимизга ана шу мукофотлар марказда ва жойларда тантанали равишда топширилди.

Ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати билан эл-юртимиз ўртасида катта обрў-эътибор топган бу инсонларни ўз номимдан, сизларнинг номингиздан яна бир бор табриклаб, эзгу тилакларимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Жонажон Ўзбекистонимизда, барча шаҳар ва қишлоқларимизда сизлар каби фидойи одамлар сафи янада кенгайиб, олижаноб меҳнатингиз самарасидан аввало ўзингиз, оилангиз, эл-юртимиз баҳраманд бўлсин!

Хонадонларингиздан бахту саодат, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Қадрли юртдошлар!

Бугун миллий тараққиётимизнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, биз ютуқларимиз билан бирга хато ва камчиликларимизни ҳам чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш ҳақида ўйлашимиз табиийдир. Чунки бу ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким четдан келиб муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди.

Бу ҳақда сўз борганда, юртимизда халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги ва самарали тизими жорий қилинганини айтиш ўринли, деб ўйлайман. Бугунги кунда халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қила бошлагани учун ҳам одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, эл-юртимиз ўз кучи ва имкониятларига, эртанги кунга ишонч билан қарамоқда.

Шунинг учун бир ҳақиқатни таъкидлаб айтмоқчиман: **халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, эл-юртимизни рози қилиш – бу вақтинчалик кампания эмас. Бу – халқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз равнақини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегиядир.**

Азиз дўстлар!

Бугунги таҳликали замонда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч-осойишта, эркин ва обод ҳаётни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини оширишга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз дунё миқёсидаги кескин ва бешафқат рақобатга бардош бериш учун иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга эришмоғимиз зарур.

**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, хусусий мулк дахлсизлигини янада кенгроқ таъминлаш** – олдимизда турган муҳим вазифадир.

Бу борада йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга, туризм, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, деҳқон ва томорқа хўжаликларини, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш, кам таъминланган қатламларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида биз **"Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури**ни қабул қилдик. Ушбу дастур ижроси учун шу йилнинг ўзида 786 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида, жумладан, 100 мингдан ортиқ ёшларимизнинг бандлиги таъминланади.

Ёш оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича белгиланган катта ишлар изчил давом эттирилади.

Ҳурматли ватандошлар!

Шу кунларда Индонезияда 45 та мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтаётган ёзги Осиё ўйинларида навқирон спортчиларимиз шижоат ва маҳорат кўрсатиб, **15 та олтин, 19 та кумуш, 23 та бронза** медални қўлга киритганлари ҳаммамизга қувонч бағишлайди.

Мамлакатимиз шуҳратини дунёга таранум этаётган спортчи ёшларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Биз жаҳон ҳамжамияти билан, барча узоқ-яқин давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада кучайтирамиз.

Турли халқаро ташкилотлар, нуфузли молия институтлари билан кенг тармоқли ҳамкорликни ривожлантириш бизнинг миллий манфаатларимизга тўла жавоб беради ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига сизларнинг номингиздан, ўз номимдан самимий ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимизни билдиришга ижозат этгайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрами билан яна бир бор чин қалбдан самимий табриклайман.

Мана шу улуғ айёмда барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳрим билан таъзим қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, кўнглимдаги энг эзгу тилакларни билдирмоқчиман.

Бугун барчамиз нуроний оқсоқоллар, муҳтарам фахрийларимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Мўътабар, дуогўй онахонларимизга чин юракдан фарзандлик ташаккуримизни билдирамиз.

Хонадонларимиз кўрки ва фариштаси бўлган мунис аёлларимиз доимо соғ-омон, бахтли-саодатли бўлсинлар! **Чунки аёл, она бахтли бўлса – жамият бахтлидир.**

Ватанимиз ва халқимизга ўзининг билим ва заковати, маънавий салоҳияти билан хизмат қилаётган илмий ва ижодкор зиёлиларимизга янги-янги ютуқлар ёр бўлсин!

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик янада барқарор бўлсин!

Азму шижоатли ёшларимизнинг, барча фарзандларимизнинг бахту камолини, омадини берсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 июндаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига катта тайёргарлик кўрилди.

Асосий тантаналар 31 август куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар ходимлари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди.

Давлатимиз раҳбари минбарга таклиф этилди. Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма етти йиллиги билан халқимизни муборакбод этиб, нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Тантана аҳли қўлларини кўксига қўйиб, мустақиллик қўшиғига жўр бўлади. Оҳанг оғушида Ватан манзаралари, истиқлол тарихи тасаввурда гавдаланади.

Бугун юртдошларимиз тилида **"Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!"** деган сўзлар янграб, қалблардан қалбларга кўчмоқда.

Одатда, киши туғилган куни ёки байрамларда яшаган умри, амалга оширган ва улгурмаган ишлари, эришган ютуқларини сарҳисоб қилади. Хўш, охирги бир йилда мамлакатимизда қандай ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, юртдошларимиз ҳаётида нималар ўзгарди, юртимиз иқтисодиёти нечоғли юксалди?

Давлатимиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз", деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарадорлигини юксалтириш бўйича туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бошқарув органлари фаолияти такомиллаштирилди, кўплаб вазирлик ва идоралар қайта ташкил этилди, янги ташкилотлар тузилди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар халқимизнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

"Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун", "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган олижаноб тамойилларга мувофиқ, халқ билан мулоқотнинг замонавий ва самарали тизими йўлга қўйилди. Бунда аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқот ўтказилаётгани мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 2018 йил Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинди. Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида 11 триллион 200 миллиард сўм ва 1 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур ижросини таъминлаш учун кенг кўламли изчил ишлар олиб борилмоқда.

Кўрилаётган ана шундай тизимли чора-тадбирлар иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимизни барқарор ривожлантиришга хизмат қилаётир. Биргина саноат соҳасини жадал тараққий эттириш мақсадида эркин иқтисодий зона ва кичик саноат ҳудудлари ташкил этилди. Мазкур зоналарда юзлаб лойиҳалар амалга оширилди. Бунинг натижасида илгари катта миқдордаги валюта эвазига четдан импорт қилинган кўплаб маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қишлоқ хўжалигида замонавий, истиқболли тармоқларга асос солиш, кластер тизимини йўлга қўйиш, фермер хўжаликларининг натижадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада ҳам амалий қараш ва ёндашувлар ўзгарди. Одамларнинг меҳнатга иштиёқи ошиб, бизнес билан шуғулланиш истагида бўлганлар сафи кенгайди. Ҳар бир оилада тадбиркорлик муҳити шаклланa бошлади.

Кейинги икки йилда мамлакатимиз бўйича 700 мингдан ортиқ киши иш билан таъминлангани, уларнинг асосий қисми тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Маълумотларга қараганда, малакатимизда аҳолининг реал умумий даромадлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоизга ўсган. Бу тадбиркорлик, оилавий бизнес, хизмат кўрсатиш, томорқа хўжаликларини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Айни пайтда амалга оширилаётган "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳоли ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Янги олий ўқув юртлари, хориждаги нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилаётгани, қабул квоталари оширилгани, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар очилгани шулар жумласидандир.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил давом эттириш мақсадида қабул қилинган "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури ҳам ўғил-қизлар учун имкониятларни янада кенгайтирди. Ушбу дастур ижроси учун 786 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Бунинг натижасида 100 мингдан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланади.

Дастур доирасида 46 та туман ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида "Ёшлар меҳнат гузари" ва "Ёш тадбиркорлар" маркази барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш, "Қонун ва адолат – устувор", "Жиноятга жазо муқаррар" тамойиллари ва "Жиноятчиликка қарши курашиш ҳақиқати ва адолати" шиори остида олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда.

Халқимиз бугунги ислоҳотлар самарасини ўз ҳаёти мисолида ҳис этаётир. Замонавий уй-жой ва истеъмол товарларга эга бўлиш билан бирга, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳаётий эҳтиёж учун ҳам шароит ва имкониятлар кенгаймоқда.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгиланиш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгариб, қишлоқда турмуш маданияти ошаётир. Мазкур дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада қурилиш-ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.

Одамларнинг замонавий уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжи асосида 2017 йилда мамлакатимиз бўйича 8 минг 121 оилага мўлжалланган 191 та арзон, кўп қаватли уй-жой барпо этилган. Бу эзгу ташаббус жорий йилда ҳам давом эттирилиб, шу кунларда яна 335 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилмоқда. Юртимиз бўйича 13 минг 900 дан ортиқ оила янги хонадонларга кўчиб киради. Бу 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Кейинги бир ярим йилда янгиланган лойиҳалар асосида қишлоқ аҳолиси учун 38 минг 543 та шинам уй-жой қурилди. 40 минг оила янги хонадонга кўчиб ўтди. Жорий йилда яна 35 минг оилага мўлжалланган 27 минг 500 га яқин ана шундай уйлар барпо этилмоқда. Кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонларнинг талаб ва эҳтиёжи ҳам доимий эътиборда. Буни кейинги икки йилда 1000 нафардан ортиқ шу тоифага мансуб юртдошимиз уй-жой билан таъминланганида ҳам яққол кўриш мумкин.

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган ғоя асосида аҳолига кенг имкониятлар бериш, унинг реал даромадларини кўпайтириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти, айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янада яхшиланди. Президентимизнинг илк ташрифлари қўшни давлатларга бўлди. Ўзаро рақобат эмас, ҳамкорлик қилиш тамойили иқтисодий имкониятларни кенгайтирди, минтақавий хавфсизлик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлади.

Халқаро экспертлар давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсатни юқори баҳолаб, мамлакатимизнинг тинчликпарвар, прагматик ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиё минтақасидаги қўшни давлатлар билан ўзаро ишонч ва дўстликнинг тикланиши муҳим воқеа эканини таъкидламоқда.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Буни Президентимизнинг жорий йилда Тожикистон, Қозоғистон, Америка Қўшма Штатлари, Хитой ва Туркманистонга ташриф билан боргани, Туркия, Туркманистон ва Тожикистон давлатлари Президентлари Ўзбекистонга ташриф билан келгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу жиҳатлар байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида яққол намоён бўлди.

Байрам дастури ҳар қачонгидан ўзгача бўлди. Куй-қўшиқлар шеърлар билан уйғунлашиб кетди. Ватан, мустақиллик ва мардлик тараннум этилган қўшиқлар, айниқса, болажонларнинг чиқиши барчага кўтаринки кайфият улашди. Ҳарбийларимизнинг мардонавор овози дилларга кўчди. Жаҳон мумтоз мусиқалари завқ бағишлади. Тантанали маросим санъаткорлар жўрлигидаги "Ўзингдан қўймасин, халқим!" қўшиғи билан ниҳоясига етди.

Байрам тадбирлари мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Бугунги кунда Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат юритмоқда. Россия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар жадал ривожланмоқда. Дунёнинг етакчи компаниялари, халқаро ташкилотлар мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётир.

Жорий йилда қўшни давлатлар билан муносабатлар янада фаоллашди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан жорий йил март ойида Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви ўтказилди. Айни пайтда Тожикистон Республикаси билан ҳамкорлигимиз стратегик даражага кўтарилди. Мамлакатларимиз Президентларининг азму шижоати ва узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида тарихий ютуқларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари чет эллик ҳамкорларимизга Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Россиянинг "USM Holding" акциядорлик жамияти таъсисчиси ва раҳбари Алишер Усмановга "Эл-юрт ҳурмати" ордени, Россиянинг "ЛУКОЙЛ" очиқ акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Германиянинг "КНАУФ" корхоналари гуруҳи иштирокчилари кенгаши аъзоси Николаус Кнауфга "Дўстлик" орденлари, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддинга "Фидокорона хизматлари учун" орденлари, Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим, Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари малакасини ошириш институтининг кардиожарроҳлик кафедраси мудири Тошпўлат Гулмуродовга "Меҳнат шуҳрати" орденлари, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Қўлёзмалар мероси фонди бўлим мудири Али Муҳаммадиев, Тожикистон Республикаси Геодезия ва ер бошқаруви давлат қўмитасининг чегараларни делимитация ва демаркация қилиш давлат геодезия назорати инспекцияси бошқармаси бошлиғи Ифтихор Жўраев, Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг С.Умаров номидаги физика ва техника институти бош ходими Раҳим Марупов, Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳасан Бердиқуловга "Дўстлик" орденлари, С.Айний номидаги опера ва балет академик театри давлат муассасаси бадиий раҳбари Адҳам Холиқов, Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Телевидение ва радио қўмитасининг "Фалак" давлат ансамбли бадиий раҳбари Давлат Холовга "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвонларини тантанали равишда топширди.

Россиянинг "USM Holding" акциядорлик жамияти таъсисчиси ва раҳбари Алишер Усманов, Россиянинг "ЛУКОЙЛ" очиқ акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Германиянинг "КНАУФ" корхоналари гуруҳи иштирокчилари кенгаши аъзоси Николаус Кнауф ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлик мақсадида барча давлатлар, айниқса, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаб, юксак эътибор учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

* * *

Президентимиз фармонларига мувофиқ, мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ўз соҳаларида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз йиғилганларни Мустақиллик байрами, давлат мукофотларига сазовор бўлгани билан табриклади.

– Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврига, янги босқичига қадам қўйдик. Келажагимизни Ҳаракатлар стратегияси асосида ўз қўлимиз, ўз кучимиз билан барпо этмоқдамиз. Одамларни рози қилишни бугунги сиёсатимизнинг бош мақсади, деб биламиз. "Ўсиш", "ривожланиш" деганда фақат рақамларга, миқдор кўрсаткичларига эмас, аввало, улар одамларнинг кундалик ҳаётида, уйи ва дастурхонида қандай намоён бўлаётганига устувор аҳамият қаратмоқдамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда барча жабҳаларда улкан ўзгариш ва янгиланишлар рўй бермоқда. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу ишларга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг фидокорона меҳнати, Ватанга садоқати билан эл-юртга намуна бўлаётган инсонлар хизмати муносиб қадрланмоқда. Турли саналар ва касб байрамлари муносабати билан ўнлаб фидойи юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида турли саналар муносабати билан кўплаб ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Мустақиллик байрами арафасида улар сафи янада кенгайди.

– Сизларнинг кўпчилигингизни яқиндан танийман. Ҳар бирингизни ўз меҳнати, жонкуярлиги ва ташаббускорлиги билан барчага ўрнак бўлаётган ҳурматли инсонлар сифатида қадрлайман, – деди Президентимиз. – Барчангизга тилагим битта – мана шундай ютуқ ва зафарларни қўлга киритишдан ҳеч қачон чарчаманг.

Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни яна бир бор Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами билан муборакбод этди ва уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилади.

**ЎзА**

# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ ЯШАЙДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз 2017 йил 31 август куни ўтказилган маросимда аждодларимизнинг Ватан озодлиги ва халқимиз тинчлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактаби эканини таъкидлаб, ҳар бир вилоятдаги университет ва институтлар қошида Қатағон қурбонлари хотираси музейи филиалларини ташкил этиш, қатағон қурбонлари хотираси бўйича мактабда махсус дастур асосида ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берган эди.



Ушбу топшириқларга асосан 2017 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилмоқда.

Музейларга қатағон бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар, суратлар, буюмлар қўйилган. Бундан ташқари, уларнинг хотирасига бағишланган илмий, адабий, бадиий китоблар тўпланиб, уларнинг электрон нусхалари яратилаётир. Қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумот ва ҳужжатларни илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, кинофильмлар яратиш, мактабларда музей филиалларини ташкил этиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу музейлар ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда маърифатпарвар аждодлар билан фахрланиш туйғусини шакллантириш, ёшларнинг эл-юрт учун муносиб фарзандлар бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар вакиллари ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйди.

**ЎзА**

**Фармон ва ижро**

# АФВ ЭТИЛГАНЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ БАЙРАМНИ ЎЗ УЙИДА НИШОНЛАЙДИ

***Мустақиллик аталган бебаҳо неъмат халқимизга нафақат жаҳон айвонида тенглар ичра тенг бўлиш бахтини, балки умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имконини берди.***

Давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган Бош қомусимизда инсоннинг эркин яшаш, ўқиш, ишлаш, ижтимоий ҳимояланиш каби асосий ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланди. Энг асосийси, инсон ҳуқуқлари – олий қадрият этиб белгиланди.

Фуқароларга берилган бу имкониятлардан барча бирдек, шу жумладан, ҳаётда билиб-билмай адашган кишилар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Зеро, халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик ғоялари давлатимиз сиёсатининг туб моҳиятида мужассамлаштирилган.

Куни кеча Президент Шавкат Мирзиёевнинг афв этишга оид яна бир фармони эълон қилингани юртимизда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида тан олинишининг яна бир ёрқин намоёни бўлди.

Қайд этиш керакки, давлат раҳбарининг 2017 йил декабрь ойида Конституциямизнинг 25 йиллиги арафасида эълон қилинган фармони билан мамлакатимиз тарихида илк маротаба 2 минг 700 нафар маҳкумни, жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахслар афв этилган эди.

2018 йил 12 июнда Рамазон ҳайити муносабати билан эълон қилинган афвга оид Президент фармони билан билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаро афв этилди.

Ватанимиз Мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида, яъни 2018 йил 30 августда Президентимиз "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

– Халқимизнинг энг улуғ байрами арафасида Президентимизнинг афв этишга оид фармони эълон қилингани халқимизга хос меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик каби эзгу фазилатларини янада юксак намоён этди, –дейди Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари, ИИВ жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи Баҳромбек Одилов. –Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ қабул қилинган фармон билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар фуқаро афв этилди.

Фармонга мувофиқ, 215 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиниб, оиласи ва яқинлари бағрига қайтарилади. Шунингдек, 46 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 5 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 135 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Айни пайтда фармон ижросини таъминлаш, афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида фармон ижросига оид тадбирлар бўлиб ўтди.

Афв этилганлардан бири — чирчиқлик Хуршид Маматқуловдир. У Ўзбекистонда тақиқланган диний ташкилотларга аъзо бўлгани учун озодликдан маҳрум этилган эди. Қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, муҳими, ҳаётда тўғри йўл танлашни мақсад қилган Хуршид қамоқдан озод бўлиб, яқинлари бағрига қайтди.

Андижонлик Марҳабо Азизова ҳам диний экстремистлар қутқусига учганлардан бири эди.

— Уйдан, фарзандларимдан айро тушгандагина оқибатини ўйламай иш қилганимни тушундим, — дейди М.Азизова. — Аёл учун юртнинг тинчлиги, фарзандлар камоли аслида катта бахт экан. Хатоларимни тушуниб, Президентимизга кечирим сўраб мурожаат қилган эдим. Мени бағрикенглик қилиб кечирганларидан беҳад миннатдорман. Байрамни уйда, болаларим билан нишонлаш бахти насиб этаётганидан қувончим чексиз. Бунинг учун бағрикенг халқимиздан қарздорман, албатта.

Бугун нафақат афв этилганлар, балки уларнинг яқинлари, оилаларига ҳам катта хурсандчилик туҳфа этилмоқда.

Фармонга кўра, афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун тегишли ташкилотлар барча зарур кўмак кўрсатади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Миллий ғурур**

# ЎзМТДП ФАОЛИ МУХЛИСА АБДУМАЛИКОВА
## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА СОВРИНДОР БЎЛДИ

***2018 йил, 28 август. Бу сана Ўзбекистон спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Боиси шу куни Индонезиядаги ёзги Осиё ўйинлари дастурига тарихда биринчи маротаба киритилган ўзбек кураши усталари ғолиблик учун гиламга чиқишди.***



Қувонарлиси, Жакарта ва Палембанг шаҳарларида давом этаётган XVIII Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси таркибида 63 килограмм вазнда баҳсларга киришган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли Мухлиса Абдумаликова Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, бронза медалини қўлга киритди.

Наманган давлат университетида таҳсил олаётган Мухлиса мусобақанинг дастлабки учрашувида афғонистонлик рақибаси Рамзиа Саиди устидан катта устунлик билан ғалабага эришди. Нимчорак финал баҳсида вьетнамлик Нгуэн Ти Тан Трамни мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олди. Чорак финалда эса Хитой Тайпейи вакиласи Ли Вантига ҳам ҳеч қандай имкон қолдирмади.

Финал йўлланмаси учун бўлган баҳсда мўғулистонлик Баярбат Басанжаргалга қарши гиламга чиққан Мухлисанинг омади чопмади. Якуний натижаларга кўра, у Осиё ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди.

— Мусобақага аслида олтин медаль олиш учун келган эдим, — дейди Осиё ўйинлари совриндори, ЎзМТДП аъзоси Мухлиса Абдумаликова. — Баҳслар жуда қизғин ва кучли рақобат остида ўтди. Ҳар бир беллашувда ғалаба осонликча бўлгани йўқ. Келажакда бронза медалини олтинга айлантириш учун астойдил ҳаракат қиламан. Осиёнинг мазкур нуфузли мусобақасида миллий курашимиз кенг тарғиб этилаётгани ҳам кўнглимизни тоғдек кўтарди.

...Янгиқўрғон туманининг тоғларга туташ маскани — Заркент қишлоғида туғилиб ўсган Мухлиса болалигиданоқ спортга ошно тутинди, кураш майдонларида тобланди. У Янгиқўрғон туманидаги 31-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабида устози, моҳир мураббий Комилжон Бўтаевдан кураш сир-асрорларини пухта ўрганди. Машғулотларда ўз устида тинимсиз изланиши, қолаверса, Наманган олимпия захиралари коллежида катта тажриба мактабини ўтагани мамлакат, халқаро миқёсидаги мусобақа ва турнирларда сезиларли ютуқларни қўлга киритишига замин ҳозирлади.

Мухлиса охирги беш йилда кураш бўйича 10 карра, дзюдо бўйича 3 карра, самбо бўйича 2 карра, белбоғли кураш бўйича 2 карра Ўзбекистон чемпиони унвонига эга бўлди. Шунингдек, у 9 кумуш, 4 бронза медалларини ҳам ўз ҳисобига ёздириб қўйди. Англиянинг Борнмут шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медал соҳибасига айланди. Италиянинг Казерца шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақа ва Хитойнинг Тайпей шаҳри мезбонлигида ўтган Осиё чемпионатида ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ҳиндистоннинг Кочи шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эса барча рақибларидан устунлигини исботлаган Мухлиса Абдумаликова чемпионлик унвонига сазовор бўлди.

Мухлиса Абдумаликованинг Осиё ўйинларида эришган ютуғидан Наманган аҳли, шу жумладан, у аъзо бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши фаоллари беҳад хурсанд, айниқса, ёшлар қалбида ғурур ва ифтихор жўш урди.

— Сафдошимиз Мухлисанинг Осиё ўйинларидаги муваффақиятли натижасидан беҳад қувондик, — дейди ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли Илҳомжон Ҳожиев. — Унинг Индонезиядаги ҳар бир беллашувини ҳаяжон билан кузатдик. Дарвоқе, энг нуфузли спорт ареналарида "ҳалол", "ёнбош", "чала", танбеҳ", "дакки" каби соф ўзбекона ибораларнинг баралла янграётгани ҳар бир ўзбек фарзандининг қалбида чексиз фахр ва ғурур туйғуларини жўш урдирмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Индонезиядаги Осиё ўйинларида миллий курашимизни Олимпиада дастуридан ўрин эгаллаши борасида дастлабки қадамлар ташланди. Умид қиламизки, келгусида Мухлиса ҳамда унга эргашадиган чаққон ва зукко спортчи-ёшлар халқаро мусобақаларда ўзларининг юксак маҳоратларини, албатта, намоён этади.

**Оқилхон ДАДАБОЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қозоғистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни билан самимий табриклайман.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлатчиликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш йўлида юксак натижаларга эришди. Шу муносабат билан Сизнинг оқилона ва самарали раҳнамолигингизда мамлакат изчил тараққиётни янада давом эттириши ва кўзлаган эзгу мақсадларига эришишини тилайман.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги маънавий қадриятлар муштараклиги, кўп асрлик дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорликка асосланган муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида йилдан- йилга ривожланиб бормоқда.

Ишончим комил, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга алоҳида суръат бағишлаётган биргаликдаги фаолиятимиз давлатларимиз равнақининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик ва туганмас ғайрат-шижоат, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Мамлакатингизнинг асосий байрами – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий тилакларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон ҳақли равишда муваффақиятли ривожланаётган кўп миллатли демократик ҳуқуқий давлат ҳисобланади, халқаро майдонда катта обрў-эътиборга эга. Минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб масалаларни ҳал этишга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Қардош мамлакатларимиз 2017 йилда эришган сиёсий ҳамкорлик даражаси барча соҳалардаги ўзаро алоқаларни фаол ривожлантиришга хизмат қилиб, дўстлик ва яхши қўшничиликнинг юксак намунаси бўлди.

Савдо-иқтисодий шериклик икки томонлама ҳамкорликнинг алоҳида эътибор талаб қиладиган муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатларимиз чегараолди ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ҳамда фуқароларимиз давлатларимиз ғамхўрлигининг амалий натижаларини ўз ҳаётида сезаётгани қувонарлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Беларусь халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни Мустақиллик куни билан муборакбод этаман.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг юксак натижалари, мамлакатингизнинг Марказий Осиё ва жаҳон майдонида нуфузи ортиб бораётгани Беларусда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч руҳидаги конструктив муносабатларни мустаҳкамлашга муштарак интилиш икки томонлама мулоқотимизни самарали ва манфаатли ҳамкорликнинг янги ютуқлари билан бойитишга хизмат қилишига ишончим комил.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик, туганмас ғайрат-шижоат, ўйлаган барча орзуларингиз ва ниятларингиз рўёбини, дўст Ўзбекистон халқига эса, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларусь Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Президент жаноблари!

Ўз номимдан ва юртдошларим номидан Сизга ва халқингизга Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни билан самимий табрикларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Ўтган икки йилда Ўзбекистон катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ишонтириб айтаманки, Германия Сизнинг раҳбарлигингизда бошланган ислоҳотлар ва модернизация жараёнини, жумладан, Сиз амалга ошираётган қўшни мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Яқин ойларга режалаштирилган олий даражадаги ташрифлар турли соҳаларни қамраб олган икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун яхши имконият бўлади.

Сизга бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса ҳуррият, хавфсизлик ва фаровонлик билан йўғрилган порлоқ келажак тилайман.

**Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизни, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Мустақиллик куни билан муборакбод этаман ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий, маданий ва маърифий алоқалар савдо ва инвестициялар, фан ва технологиялар, туризм ва маданият каби соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлигимизда ўз аксини топмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз халқларимиз фаровонлиги йўлида ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Жаноби Олийлари, Сизнинг жорий йилда Ҳиндистонга ташрифингизга катта умид боғлаганмиз. Ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашига ишонамиз.

Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса муттасил тараққиёт ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Рам Натҳ КОВИНД,**
**Ҳиндистон Республикаси Президенти**

* * *

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**
Эрон Ислом Республикаси Президенти **Ҳасан Руҳоний**
Жанубий Африка Республикаси Президенти **Матамела Сирил Рамафоса**
Австрия Республикаси Президенти **Александр Ван дер Беллен**
Бельгияликлар Қироли **Филипп**
Исроил Давлати Президенти **Реувен Ривлин**
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла Иккинчи**
Ўмон Султони **Қобус бин Саид**
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Чан Дай Куанг**
Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти **Вин Мьин**
Таиланд Қироли **Маха Вачиралонгкорн**
Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**
МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**
Москва ва Бутун Русь Патриархи **Кирилл**
Рим-католик черкови раҳбари **Папа Франциск**

MILLIY TIKLANISH
36 (520) 2018 йил 1 сентябрь, шанба

Истиқлол шукуҳи

# ВАТАН — ОНА КАБИ МУҚАДДАС

## ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА ЎТГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИДА АНА ШУ ҒОЯ УСТУВОР БЎЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бу жараёнда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлари томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг кўплаб мурожаатлари, мавжуд муаммоларнинг сабаблари ўрганилиб, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилмоқда. Натижада фуқароларимизни узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топмоқда. Муаммолар ўз вақтида ҳал этилса, халқимизнинг кўнглига йўл топиб ишласақ, уларнинг ишончини оқласақ, кўзлаган мақсадларимизга ета оламиз.

Тадбир доирасида ҳунармандлар, туризм департаменти, бандликка кўмаклашиш маркази ва миллий маданий марказлар кўргазмалари, вилоятнинг турли ҳудудларидан келган шахматчилар ўртасида "ЎзМТДП шахмат тахтаси" мусобақаси ташкил этилди. Шунингдек, ёш рассомлар кўргазмаси, ёш шоиралар, ҳунармандлар ўртасида танлов уюштирилди. Байрам тадбирининг бадиий қисмида санъаткорлар, шоир ва шоираларнинг чиқишлари йиғилганларга хушкайфият бағишлади.

— Фаол хотин-қизлар ҳамда турли соҳалардаги иқтидорли ёшлар, партиямиз фаолларини бирлаштирган бугунги байрам тадбири жуда катта шодиёнага айланиб кетди, — дейди партия Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Ҳанифа Зокирова. — Ҳар бир иштирокчи юз-кўзида тинч-осойишта ҳаётимиздан шукроналик, инсон омилига эътибор юксак бўлган юрт фарзанди эканлигидан бахтиёрлик ҳисси, хурсандчилик акс этиб турибди. Айниқса, байрам томошаларига кўрк бағишлаб турган рассомлар ижоди, ҳунармандлик маҳсулотлари, маҳоратли чавандозларнинг от спортига оид чиқишлари барчанинг эътиборини тортди.

Тадбирда ёш рассомлар, шоир ва шоиралар, ҳунармандлар ўртасида ташкил этилган танлов натижалари эълон қилинди. Рассомлик йўналиши бўйича "Ёш мусаввир", "Серқирра мусаввир", "Энг яхши мўйқалам соҳиби", шахмат йўналишида "Энг ёш шахматчи", "Энг зукко шахматчи", "Энг билимдон шахматчи", ҳунармандлик бўйича "Ёш ҳунарманд", "Миллий ҳунармандчилик устаси", "Энг яхши ҳунарманд" номинацияларида ғолиблар аниқланди. Уларга ЎзМТДПнинг эсдалик совғалари топширилди.

Байрам тантаналари якунига етгач, партия вакиллари юртимиз равнақига ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари ва кексалар ҳолидан хабар олдилар. Жумладан, узоқ йиллар давомида самарали фаолият юритган меҳнат фахрийси, "Шуҳрат" медали соҳибаси Иззат Султоновани байрам билан қутлаш учун келган партия фаолларига ўз миннатдорлигини шундай изҳор этди:

— Дунёдаги энг савобли иш — бу кекса инсонлар ва беморларнинг ҳолидан хабар олиш, — дейди Иззат Султонова. — Айниқса, бугунги каби улуғ кунларда кимдир ҳолингдан хабар олса, муборак кун билан қутласа, кўнглинг осмон қадар юксаларкан. Мен 82 ёшни қораладим. Умримнинг эллик йилини меҳнатга, халқим учун хизмат қилишга бағишладим. Шу кунларга етказганига шукр. Бундай эътибордан бошимиз кўкка етяпти, ёшимизга ёш қўшилмоқда. Илоҳим юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, осмонимиз доим мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Шунингдек, партия вакиллари меҳнат фахрийси Равшан Икромовнинг ҳам хонадонига ташриф буюриб, отахонни байрам билан қутладилар.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллик шодиёналари ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотларида кенг нишонламоқда.

**Шерзод БОЛЛИЕВ,**
**журналист**

Саховат

# ПАРТИЯ ВАКИЛЛАРИ КЕКСАЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ФУҚАРОЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛДИ

***Мустақиллик — улуғ неъмат. Шу боис ҳар бир миллат ва халқлар ўз мустақиллик кунини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлайди.***



Айни кунларда Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудида "Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида байрам тантаналари ўтказилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этаётир.

Халқимизда бир яхши одат бор — байрамларда, сайлларда бева-бечоралардан, кексалар ва хаста инсонлар ҳолидан хабар олинади. Уларга моддий ва маънавий кўмак бериб, совғалар улашилади, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинади. ЎзМТДП Марказий кенгаши вакиллари авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу миллий анъанага амал қилган ҳолда мустақиллигимизнинг 27 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги бир қатор хонадонларга бориб, ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳолидан хабар олди, уларга байрам совғалари улашилди. Шунингдек, партия вакиллари томонидан оилалардаги мавжуд муаммолар ҳам ўрганилиб, хонадон эгаларига амалий ёрдам бериш чоралари кўриладиган бўлди. Жумладан, ЎзМТДП вакиллари Учтепа туманидаги 3-Тўқимачи кўча 38-уйда яшовчи Дилбар Расулова хонадонида бўлдилар.

— Партия вакилларининг хонадонимга атайлаб байрам билан табриклаш мақсадида келганини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди, кўзларимга беихтиёр ёш келди, — дейди Дилбар Расулова. — Ногиронлигим ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлигим сабаб ўзимни ёлғиз ҳис этардим. Партия вакилларини кўриб, уларнинг самимий ва илиқ гапларини эшитиб, ёлғиз эмаслигимни ҳис этдим. Инсон қадри улуғ бўлган она юртимизнинг, бундай тинч-осойишта кунларимизнинг қадрига етиб яшаш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Одамлар, айниқса кўнгли ўксик инсонларга қувонч улашиш нақадар саодатли иш. Буни чуқур англаган халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Улуғбек Мусаев байрам муносабати билан тумандаги "Ҳусниобод" ҳамда "Анорзор" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, кам таъминланган оилалар, бетоблиги ёки кексалиги сабаб юришга қийналаётган инсонлар ҳолидан хабар олди. Уларни Ватанимиз истиқлолининг 27 йиллиги билан қутлади. Шу куни депутат томонидан йигирма беш нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон ва ёлғиз кексага ногиронлик аравачаси, қўлтиқтаёқ ва кундалик турмушда зарур бошқа жиҳозлар тарқатилди. Уйма-уй юришлар давомида кўплаб фуқароларнинг муаммолари ўрганилиб, тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Байрам муносабати билан ЎзМТДП Жиззах вилоят ва шаҳар кенгашлари ҳамда халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамкорлигида шаҳардаги 29-сонли Меҳрибонлик уйида хайрия тадбири ташкил этилди. Тадбир доирасида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун байрам дастурхони ёзилди.

— Юртимизда инсон шаъни ва манфаати ҳар нарсадан устун, — дейди халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Суннатулло Бойхўрозов. — Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам кўнгли ўксик фарзандларимизга қувонч улашиш, Истиқлолнинг қадр-қиммати, аҳамиятини улар ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборат. Саховатпешалик тамойиллари асосидаги эзгулик ва яхшиликка йўғрилган мақсадли ишлар юрт тинчлиги, оилалар хотиржамлиги ва фарзандларимизнинг ёрқин келажагини таъминлашга асос бўлади.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги муносабати билан ЎзМТДП вакиллари ва депутатлар томонидан амалга оширилаётган бу каби эзгу ишлар меҳр-оқибат, мурувват, яхшилик, оила ва жамиятда эзгу анъаналарни қарор топтиришдек улуғ мақсадларга хизмат қилади.

**Партия ташкилотлари**
**материаллари асосида**
**Ш. БОЛЛИЕВ тайёрлади.**

Эътироф

# ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛИШ — ЯНГИ МАРРАЛАРГА БОШЛАЙДИ

***Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ юртдошларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар қаторида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари ҳам борлиги барчамизни беҳад мамнун этди.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Сарвар Отамуратов ҳамда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаев "Дўстлик" ордени, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев, партия Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Сайфулла Махматмўминов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов "Шуҳрат" медали билан тақдирландилар. Шунингдек, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раисининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Дилбар Орзиевага "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвони берилди.

Давлатимизнинг юксак эътирофи партиямиз фидойиларининг кучига –куч, ғайратига-ғайрат қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантиргани қуйидаги дил изҳорларида ҳам ўз ифодасини топган.



**Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Бу юксак мукофотни юксак ишонч ва масъулият, деб биламан. Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ғояси ҳаётда ўз ифодасини топаётгани халқ манфаатлари таъминланишига хизмат қилмоқда. Ана шу мақсад йўлида жамиятнинг барча соҳаси чуқур ислоҳ қилинаётир. Мақсадли дастурлар халқимизнинг фаровон ҳаёти, эртанги куни порлоқ бўлиши йўлида хизмат қилиши учун камарбаста бўлишимиз керак. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлат ва халқ манфаатлари йўлида бир қатор қонун лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилиб келмоқда. Бундай самарали фаолиятни амалга оширишда фракциямиз аъзолари ҳам бор куч ва имкониятини ишга солмоқда.

Албатта, ҳали олдинда қилинажак ишлар кўп. Бу юксак мукофот зиммамизга янада улкан вазифаларни юклайди. Уни оқлаш ва эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, кимлигимиз ва қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъий назар, фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолади.



**Тожибой РОМАНОВ,**
**ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси:**

— Кўҳна тарих сирларини ўзида жо этган Қорақалпоғистонда ҳам халқимизнинг асрий орзуси бўлган, Ватанимизнинг қадим бой тарихида янги саҳифа очган, Ўзбекистон давлатини дунё ҳамжамиятида тенглар ичида тенг қилган, эркин ва озод ҳаётимизни таъминлаб берган шонли мустақиллигимизнинг йигирма етти йиллиги кенг нишонланмоқда. Халқимиз фаровонлиги йўлидаги камтарона меҳнатимизни давлатимиз раҳбари юксак баҳолагани нафақат менинг, балки барча партиядошларимизнинг муваффақияти, деб ўйлайман.

Жонажон Ўзбекистонимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу маънода мамлакатимиз Истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади.

Юксак ишонч жамиятимиз ривожи йўлида куч-ғайратимизни аямай меҳнат қилишимизга янада куч-қувват бағишлайди, қалбимизда бетакрор Ватан фарзанди эканимиздан ғурур-ифтихор туйғусини юксалтириб, қатъий мақсад ва янги марралар сари руҳлантирди.



**Дилбар ОРЗИЕВА,**
**ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари:**

— Истиқлол байрами олдидан кўнглимда ўзгача ҳаяжон жўш урмоқда. Бу масъулият ҳисси бўлса керак, деб ўйлайман. Давлатимиз раҳбарининг эътибори туфайли мустақиллик арафасида "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвони билан тақдирланганим елкамдаги масъулиятни икки баробарга оширди. Негаки, юртимизнинг барча ҳудудида бўлганидек вилоятимизда ҳам мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилган ватанпарвар ёшлар жуда кўп. Уларнинг орзу-истакларини амалга ошириш ҳамда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар муаммолари ечимини топишга кўмак бериш сингари қатор вазифаларни амалга ошириш йўлида партия Навоий вилоят кенгаши фаоллари, депутатларимиз доимо кўмакдош.

Бу мукофот шахсий масъулиятимизни, ўғил қизларимизнинг таълим-тарбиясига нисбатан мажбуриятимизни ошириб, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишга ундайди.

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Дилфуза МАҲКАМОВА ёзиб олди.**

"Обод қишлоқ" дастури — амалда

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР

## ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

***Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган "Обод қишлоқ" дастури туфайли олис қишлоқлар ҳаётида ҳам янги давр бошланмоқда, ҳудудлар кўркига кўрк қўшилмоқда. Фаровонлик сари юз бурган қишлоқлардаги турмушдан одамлар рози бўлиб, эртанги кунга ишончи ортмоқда.***

Ушбу дастур ижросини таъминлаш, қишлоқларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш ва у ерда бошланган ишларга кўмаклашиш борасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этмоқда. ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Жиззах вилоят кенгаши вакиллари ҳамда бир гуруҳ депутатлар "Обод қишлоқ" дастури ижроси билан танишиш мақсадида Зафаробод туманидаги "Ёрқин" шаҳарча фуқаролар йиғинида бўлди.

Ушбу масканда "Обод қишлоқ" дастури самарали ижро этилмоқда. Ҳудудда иккитадан мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, битта қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатади. 8 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарчада аҳоли қурган ноқонуний қурилмаларни бузиш ишлари якунига етказилмоқда.

— Дастурга биноан қишлоғимизда олиб бориладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига жами 20 миллиард 55 миллион сўм маблағ ажратилган, — дейди "Ёрқин" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ўтагул Бойжонова. — Бу маблағлар эвазига 320 та уй-жой таъмирланади, 3,8 километр узунликдаги ичимлик суви қувурлари яхшиланади. Саккизта оқава сув хандақлари қурилади, 7,5 километр узунликда электр тармоғи барпо этилади. Олти ярим километр йўл жорий таъмирланади. Уч километр пиёдалар йўлаклари таъмирланиб, 140 дона кўча чироқлари ўрнатилади. Жами олти километрда гулзорлар ташкил этиш кўзда тутилган. Қишлоғимиз аҳолиси бу каби бунёдкорлик ишларидан жуда мамнун.

Партия вакиллари дастлаб шаҳарчанинг бош харитаси билан танишди. Харитада "Ёрқин" шаҳарча фуқаролар йиғини аҳоли пунктининг бош режаси, ҳовли деворининг лойиҳа таклифи, реконструкция қилинадиган канализация ва ичимлик суви тармоқларининг схемалари акс эттирилган.

Ҳудудда амалга оширилаётган ишларга ЎзМТДП Зафаробод туман кенгашининг "Ёшлар қаноти" ҳамда "Аёллар қаноти" фаоллари ҳам кўмакдош бўлиб, ҳашар ишларини уюштиргани эътиборга молик. Ҳашарчилар ҳududдаги Барлос маҳалласи Оқсарой кўчасида яшовчи кам таъминланган оилалардан бири Замира Ҳожиеванинг хонадонида деворларни оқлаш, ҳовлиларни тозалаш ишларини бажарди. Бунда, айниқса, партия туман кенгаши етакчи мутахассиси Зафар Аҳмедов, маҳалладаги ёшлар етакчиси Алишер Толлибоев бошчилигида бир қатор йигит-қизлар фаоллик кўрсатди.

Таъкидлаш жоиз, уй-жойларни таъмирлашда хонадон эгаларига амалий ёрдам кўрсатиш, аввалambор, қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш, бу жараёнда кенг миқёсда ҳашар ишларини олиб бориш ҳисобига ҳовли ва атроф ҳудудларни ободонлаштириш, ариқларни тозалаш, оқава сув ҳандақларини барпо этиш ҳамда муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, муҳтожга ёрдам бериш, ҳашар уюштириш, меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизга хос бебаҳо қадриятлардан ҳисобланади. Шу боис партия вакилларининг улар ҳолидан хабар олиш, муаммоларига қулоқ тутиш, кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишларига баҳоли қудрат кўмак бериш мақсадида келганлиги қишлоқ одамларини мамнун қилди.

— "Обод қишлоқ" дастурининг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, бу борадаги қадриятларимизни изчил давом эттиришга ундайди, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот котиби Дониёр Тошбоев. — Айниқса, бу дастур барчани кенг кўламли бунёдкорлик ишларини бажаришга, қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтиришга, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этади. Катта бунёдкорлик ишлари кетаётган шундай шароитда сиёсий партияларнинг бу ҳаракатдан четда туриши мумкин эмас. Ушбу ҳаракат доирасида фаол иштирок этишни партиямиз аъзолари ўзларининг энг муҳим вазифаси деб билади.

Ҳа, ЎзМТДП ташкилотлари ва фаоллари бундай улкан бунёдкорлик ишларига бефарқ қараб тургани йўқ. Балки бу ишда муносиб иштирок этишга, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга интилмоқда. Айниқса, партия вакилларининг кам таъминланган, ногирон ёки кексалари бор хонадонларга кириб боришни назардан қочирмагани эътиборга молик. Ҳашардан сўнг барча вакиллар ва фаоллар 93 ёшли Кўркам момо Фармонова хонадонида бўлиб, онахонга совға-салом топширишди.



Кейинги манзил ногиронлиги бор фуқаро — Шоҳсанам Аввалова хонадони бўлди. У партия вакилларига тикувчиликка ўқиганини, касаллиги сабаб ҳар олти ойда даволаниб туришини, иш билан таъминлашда амалий ёрдам кераклигини билдирди. Бу масала жойида ҳал этилди. "Ёрқин" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ўтагул Бойжонова Шоҳсанамни дастурга биноан ҳудудда ташкил этилган жамоатчилик асосидаги ишларга йўналтиришини маълум қилди.

Фаоллар А.Самарқандий кўчасида яшовчи, тўрт фарзанднинг отаси, бир неча йилдан буён кўзи кўрмай азият чекаётган бемор Абдухалил Жўраев хонадонида ҳам бўлдилар. Унга эсдалик совғалари, дори-дармонлар топширилди.

— Президентимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар доимий эътиборимизда, — дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Орифхўжа Мелиев. — Ҳар бир ҳудудда партиямиз фаолларини жалб қилган ҳолда хонадонма-хонадон юриб, муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш чораларини кўрмоқдамиз. Кўчаларни обод қилиб, бугунги кун талабларига жавоб берадиган қиёфага киритиш, маънавий муҳитни таҳлил этиш, аҳолини ўйлантираётган масалаларга жавоб топиш борасида муайян ишларни амалга оширяпмиз. Бу жараёнда партиямизнинг фаол аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" вакиллари фаол иштирок этмоқда.

— Ушбу дастурга кўра ҳудудимизда уй-жойи таъмирталаб бўлган оилалар рўйхати тузилиб, уларнинг уйларини таъмирлаб беришга эътибор қаратилмоқда, — дейди "Ёрқин" шаҳарча фуқаролар йиғини таркибидаги Барлос маҳалласи оқсоқоли Суннатилло Худойбердиев. — Кўркам уй-жойга эга бўлиш инсоннинг ҳаётга нисбатан қарашларини ўзгартиради, ўзини оиласи билан бахтли ҳис қилишига ундайди. Айниқса, ушбу дастур қишлоқларимизда уй-жойини таъмирлашга имкони йўқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ҳаётига мазмун олиб кирди. Қирқ йил педагог бўлиб ишладим. Аммо шунча йил ишлаб, фуқароларнинг хонадонларига кирган, уларнинг ҳолидан хабар олган мансабдорларни кўрмаган эдим. Бунинг учун Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Қийналган, кўнгли ярим маҳалладошларимнинг хурсандчилигини кўриб, мен ҳам бундан мамнунлик ҳис этаман. Меҳр-оқибат кўрсатиш, ёрдам қўлини чўзиш каби халқимизга хос миллий қадриятларимиз янада кенг қулоч ёяётганидан барчамиз бирдек хурсандмиз.

Шу куни кечки пайт ЎзМТДП туман кенгаши томонидан шаҳарчада ҳудуд аҳолиси учун маданий тадбир ташкил этилди. Унда шеъру қўшиқлар айтилди, рақслар ижро этилди. Партия вакиллари ҳудуд аҳолисини Истиқлолимизнинг 27 йиллик байрами билан қутлади.

"Ёрқин" шаҳарча фуқаролар йиғини аҳолиси дастурнинг ҳудуддаги ижросига дастлабки қадам қўйилганлигини мамнунлик билан қабул қилишган бўлса, эндиликда унинг якунини ҳам интиқлик билан кутмоқда. Ҳозирдан ҳашарга маҳкам бел боғлаган одамлар ўзлари яшаётган масканнинг келажакдаги кўркам қиёфасини кўз олдиларига келтириб яшаётгани ҳам қалбида юз бераётган эзгу ўзгаришлардан дарак бериб турибди. ЎзМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, партия вакиллари ва депутатларимизнинг олис қишлоқлардаги юртдошларимиз ҳаёти билан яқиндан танишаётганлиги эса партиянинг жамиятдаги ролини янада оширишга хизмат қилади.

**Шоди ОТАМУРОД,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

UZTRANSGAZ

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ГАЗ ТАЪМИНОТИ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛИ

27 ЙИЛ

Ўзбекистоннинг меҳнаткаш, меҳмондўст, бунёдкор халқини

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

билан чин дилдан муборакбод этади.



ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

---

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бухоро автомобиль мактаби жамоаси

Мамлакатимиз аҳолисини

## ИСТИҚЛОЛ

шодиёнаси билан самимий қутлайди.

Хонадонингиздан шоду хуррамлик, меҳр-оқибат аримасин!



Хизматлар лицензияланган

---

## САМАРҚАНД СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни*

## ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 27 ЙИЛЛИК

*байрами билан муборакбод этади!*



Халқимиз манфаатларига хизмат қилаётган бунёдкорлик ишларимиз янада ривож топаверсин!

# АДАБИЁТНИНГ АСОСИ МАЪНАВИЯТДИР



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

**— "Ўзлик ҳақида суҳбат" лойиҳаси халқимизнинг кўзга кўринган зиёлиларини суҳбатга чорлаб, ўзлигини англаш атрофида фикрларини жамлаш мақсадида йўлга қўйилган. Чунки уларнинг кўп йиллик фаолияти, тажрибаси, ижодий ишларининг моҳияти ўзликни англаш, шахсни ўрганишда кенг жамоатчиликка намуна бўлиши, шубҳасиз. Айтиш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг эшиги сиз ва сиз каби зиёли-ижодкорлар учун ҳар доим очиқ...**

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халққа, айниқса, зиёлиларга яқин партия. Мен унинг фаолиятини бир зиёли сифатида мунтазам кузатиб бораман. Ва менинг мақсад-қарашларим ҳам партия дастурига яқин ҳамда мос. Шу боис мен ўзимни унга муайян маънода дахлдор, деб биламан. Партиянинг бундан кейинги фаолиятига ҳам муваффақият тилайман.

**— Ҳар бир воқеанинг бир сабаби ва албатта ечими ҳам бўлади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, илм-фан ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Айтиш мумкинки, 2017 йил декабрь ойида юртимизда яна бир тарихий воқеа рўй берди. Қарийб чорак аср давомида Ўзбекистон Фанлар академиясига сайлов ўтказилмаган эди. Айнан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Фанлар академиясига яна сайловлар бўлиб ўтди. Унда сиз сингари ўз соҳасининг йирик мутахассислари, атоқли олимларимиз, устозларимиз Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги деган шарафли унвонга сазовор бўлди.**

**Албатта, академик бўлишни орзу қилмаган олим олим эмас. Библиография — олимнинг бир умрлик ижод маҳсули. Сизнинг библиографиянгизда икки мингга яқин муаллифлик ишлари бор экан. Илм аҳли яхши билади, баъзи олимлар иккита ёки учта мақоласи билан ҳам илмий иш ёқлаган. Тўртта мақола билан фан доктори мақомига эришганлар бор. Наим Каримов эса йирик илмий тадқиқот институти қилиши мумкин бўлган ишни бир ўзи амалга ошира олган. Буни ҳеч иккиланмай, илмий жасорат дейиш мумкин. Мана шундай улкан вазифани адо этиш учун инсон нима қилиши керак? Наим Каримов ўз феномени илдизларини қаердан бошланган, деб ҳисоблайди?**

— Ген йиллар давомида ҳам ўз кучини сақлаб қоладиган, авлодлар алмашса ҳам йўқ бўлиб кетмайдиган куч саналади. Бобом ҳам дин, ҳам дунё илмидан яхши хабардор бўлган. Тошкентнинг Кесаккўрғон маҳалласидаги масжидда имомлик қилган. Лекин дадам давр тақозоси билан физика ўқитувчиси, амаким эса математика муаллими бўлган. Яна бир амаким молия соҳасида — Мунаввар Қорининг қўл остида фаолият юритган. Ана шу учта ака-уканинг фарзандлари зиёли бўлишга интилган ва турли соҳаларда илм ўрганган.

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида мактабларда ўқитувчилар етишмай қолганди. Ўшанда дадамни Тошкент вилоятидаги қишлоқларнинг бирИдаги мактабга физика ўқитувчиси ва илмий мудир қилиб тайинлашган. Ғайратий домла ҳам ана шу мактабда адабиётдан дарс берган. Домлани ўшандан буён яхши биламан, у кишининг фарзандлари, куёвлари билан бирга ўқиганман. Ўша давр катта бир истеъдодли ёзувчини хор қилганини ўз кўзим билан кўрганман. Шу боис у киши ҳақида ёзишни дилимга тугиб қўйганман. Тарихда ўзим таниган, ундан қандайдир ширин сўз эшитган кишим борки, у ҳақида ёзишим ҳам қарз, ҳам фарз. Уларнинг кўпчилиги ўтиб кетган ёки унутилган. Шундай инсонлар бўладики, ҳеч бўлмаса уларнинг ҳаётидан бир лавҳа бўлса ҳам ёзиб қолдириш зарур.

**— Фаннинг соҳа ва тармоқлари кўп. Сиз XX аср адабиёти бўйича чин маънодаги мутахассиссиз. Бу давр барча соҳа, айниқса, ўзбек адабиёти учун ниҳоятда мураккаб бўлган. Сиз эса замонавий илм-фан кишиси сифатида XX аср бошлари адабиётини мукаммал ўргандингиз. Ана шундай ихтисослашув сизда қандай кечган?**

— Ўтган асрнинг 60-йилларида Сталин вафотидан сўнг жамият бутунлай ўзгариб кетди. Бундан олдин бутун жамият, айниқса, адабиёт оламида катта эврилишлар рўй берган. Сталин буйруғи билан бошланган қирғин халқнинг кўплаб вакилларини, жумладан, адабиётнинг улуғ намояндаларини ҳам олиб кетган эди. Ота-онaларимиздан Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Беҳбудий деган шоир-ёзувчилар бўлган деб эшитардик. Уйимизда ҳам жуда кўп ёзувчиларнинг асарлари бор эди. Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар"и, Садриддин Айнийнинг лотин ёзувида чиққан китоблари шулар жумласидан. Шу ўринда таъкидлашим жоиз, ўзбек зиёлилари қайси соҳада ишламасин, лекин адабиёт, театр ва мусиқага нисбатан ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Хусусан, дадам физика ўқитувчиси бўлса-да, янги чиққан ҳар бир китобни, ҳар қандай грампластинкани олиб келарди. Уйимизда турли йиғинлар бўлар эди. Унда шоир-ёзувчилар, ён-атрофдан ижодкорлар, Карим Зокиров сингари санъаткорлар иштирок этарди. Бундай йиғинларда гўё физика ва лирика уйғунлашгандек бўлар эди. Ана шундай вақтларда менда ҳам адабиётга мойиллик пайдо бўлган.

Бундан ташқари, мактабда ўқиётган вақтимизда педагогика институтидан бир гуруҳ талабалар келган. Улар орасидан бир қиз бизга адабиёт ўқитувчиси бўлиб қолган. У ўзининг адабиётга бўлган катта муҳаббати туфайли бизда ҳам адабиётга меҳр уйғота олди. Кейинчалик унинг Акмал Икромовнинг жияни эканини билдик. Қарангки, Акмал Икромов қамоққа олинганидан сўнг қариндошларини ҳам шаҳардан четроққа чиқариб юборишган экан.

Олтмишинчи йилларда Москва ёки Қозон шаҳрига борганимизда ўзбек ижодкорларининг катта кутубхоналардаги ўзимизга зарур бўлган асарларини кўчириб олар эдик. Шу аснода Ойбек ва Ғафур Ғулом ҳақида ҳам кўп маълумотларни билиб олдик. Ҳолбуки, уларнинг асарларида бирорта миллатчилик ёки ғайрисиёсий унсурлар йўқ эди. Кейин биз тарихий адолатни тиклаш мақсадида 1917 йилдан бошланадиган совет адабиётини эмас, XX аср ўзбек адабиётини ўргана бошладик. Бизга ўзбек ёзувчиларининг асарларини буржуа қатлами манфаатларини ҳимоя қилади, деб уқтиришган эди. Лекин ўрганишлар давомида бундай эмаслиги маълум бўлди. Масалан, Чўлпоннинг асарларидаги маълум қаҳрамонлар ҳам савдогарлар тоифасига мансуб бўлган. Аммо улар халқ манфаати учун курашганига гувоҳ бўлиш мумкин. Чўлпоннинг "Доктор Муҳаммадиёр" асари қаҳрамони прототипи борми-йўқми, деб иккиланар эдик. Асар қаҳрамони олдин Озарбайжонда, кейин Швейцарияга бориб ўқийди. Кейин катта ерларни сотиб олади, у ердан нефть чиқади... Чўлпон Қўқонда Обиджон Маҳмудов, деган одам бўлганини яхши биларди. Обиджон Маҳмудов "Садойи Фарғона" газетасининг муҳаррири, ҳомийси бўлган. Ёшлигида акаси билан аразлашиб, Касбий денгизи атрофидаги кимсасиз ерларга кетиб қолади. Ўша ердан нефть кони топиб бойиб кетади. Чўлпон бу инсон билан кўришган, унинг уйида ҳам бўлган. Кейинчалик Обиджон Маҳмудов "Доктор Муҳаммадиёр" асари қаҳрамонига прототип қилиб олинади. Хуллас, жадид адабиётини ўрганиб, ичига чуқур кириб бораверсангиз янги-янги маълумотлар, ғоялар топилаверади.

Бундай фидойиликларни унутиш, номларини абадийлаштирмаслик — ўзликни унутиш билан баробар бўлар эди. 1919 йилда Фитрат "Чиғатой гурунги" ташкилотини тузган. Унда турли адабий ва ижодий масалалар кўрилган. Ўша йилларда рус тили шиддат билан жамиятимизни эгаллаб олаётган бўлган. Унинг оқимини тўхтатиш, айрим араб тилидаги сўзларни туркча бузиб талаффуз қилиш каби масалаларга эътибор қаратилган. Фитрат ушбу ишга бош-қош бўлиб, қадимда ёзилган "Қутадғу билиг"даги қайси бир сўзни ўша пайтдаги ўзбек тилига олиб кириш мумкин бўлса, олиб кира бошлаган. Кейин миллий мусиқа, миллий санъатни асраш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилган. Машҳур мақомлардан бири бўлган "Ушшоқнома" турли йиғинларда куйланган. Бу мумтоз ашулани сақлаб қолишга нисбатан бўлган ўзига хос ҳаракат эди.

Жадид зиёлилари қишлоқма-қишлоқ юриб ўзбек ёзма адабиёти намуналари қандай сақланган бўлса шундай олиб келган. Агар сотиб олиш лозим бўлса, сотиб олишган. Бунинг имкони бўлмаса, маълум муддат Тошкентга олиб келиб, ундан намуна кўчирилган. Бу саъй-ҳаракатлар билан ўзликни асраб қолишга интилинган. Фитрату Чўлпоннинг бутун фаолияти мана шунга қаратилгани билан эътиборга молик. Демак, биз ўтмишда яшаган улуғ сиймоларни билмай туриб, уларнинг фаолиятини яхши ўрганмай туриб ўзлигимизни англолмаймиз, уни сақлаб қололмаймиз, десак муболаға бўлмайди.

Яна бир гап. Ўтган асрнинг 20-йилларида совет давлати ўз халқини боқолмай қолади: ун, буғдой йўқ, қаҳатчилик бошланган. Бу маҳсулотларни хориждан олиб келиш керак, лекин бу пайтда давлатнинг ғазнаси ҳам бўшаб қолган. Шунда Москвадан "Ўрта Осиёда ноёб китоблар бор, уларни олиб хорижга сотиш керак"лиги ҳақида буйруқ берилган. Шундан сўнг кўплаб китоблар йиғиб олинган. Чўлпон эса "кейин буларни тонналаб тиллога ҳам қайтариб ололмаймиз", деб кўзига ёш олган экан. Аслида ўзлигини англаган шахслар билан боғлиқ ҳодисалар 1917 йилдан эмас, ўша жадид адабиётидан бошланади.

Ҳозир биз Абдулла Қодирийни ўзбек адабий тилининг асосчиларидан бири, деб эътироф қиламиз ва бу мутлақо тўғри. Бироқ Фитрат ҳам замонавий ўзбек адабий тили шаклланишида жуда катта ҳисса қўшганини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ўзлик кенг тушунча. Шахс ўзлиги тор, миллат ўзлиги эса кенг маънодаги тушунча. Халқнинг ўзлигини асраб қолишда жадид адабиётининг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган.



**— Муайян бир давр адабиётининг фақат ўзига қараб баҳо бериб бўлмайди. У жаҳон адабиёти, мумтоз адабиёт билан боғлиқ бўлади ва улар асосида ривожланади. Сиз ҳам Берунийни, ҳам ўзбек ва турк ёзувчилари ижодини қиёсий ўргангансиз. Бундан ташқари X асрда яшаб ўтган тошкентлик шоирлар ҳам эътиборингиздан четда қолмаган. Сиз ҳақингизда ёзилган мақолаларнинг бирида Наим Каримов ўзбек адабиётининг биринчи олтин даври Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврини ўз ичига олса, иккинчиси XX аср бошларига тўғри келишини айтган, дейилган жойи бор экан. Биринчи ва иккинчи олтин давр, авлодлар ўртасида узилишлар бўлди. Хусусан, XX аср бошида яшаб ўтган буюк ижодкорларимиздан кейин адабиётимизда ўпирилиш юз берди. Бадиий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланиши учун узвийлик ҳам зарур экан-да...**

— Баъзи ёзувчилар яхши асар ёзади, лекин шахс сифатида ҳали мукаммал шаклланмаган бўлиши мумкин. Ҳозирги ёзувчиларимиз орасида ҳам бор: яхши асарлар ёзса-да, бироқ ҳали алоҳида шахс сифатида шаклланмаган. Биз ҳурмат қиладиган Чўлпон, Ойбек, Миртемир, Шайхзода катта шахс бўлган. Улар ижодкор сифатида фақат асарлар яратибгина қолмай, шахс сифатида ҳам катта бир адабий авлодни яратганлар. Ҳозир бизда Абдулла Орипов мактаби, Эркин Воҳидов мактаби, Муҳаммад Юсуф мактаби, деб айтилади. Ҳолбуки, бундай мактаблар бизда жуда кўп бўлган. Масалан, Ойбекнинг ўзига хос мактаби бўлган. Айтайлик, романчилик мактаби Ойбек даврида шаклланган. Бунда ҳатто Абдулла Қодирийдан ҳам кўра кўпроқ Ойбек мактабининг таъсири кучлироқ бўлган...

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ шўро замонидаги оммавий қатағон мавзусида адабиёт билан боғлиқ жиҳатларни ёритиш ва Ўзбекистоннинг яқин тарихининг ўқилмай қолган, шунингдек, нотўғри ёритиб келинган саҳифаларини қайта тиклаш ҳаракатида бўлар эканман, шоир ва ёзувчиларнинг фақат ўзини эмас, балки оила аъзолари ҳам қатағон қилингани эътиборимни тортди. Ҳолбуки, ижодкорларнинг аксариятининг аёли уй бекаси бўлган. Уларнинг аксариятига "эрингнинг аксилсовет ташкилоти раҳбари эканини била туриб, бизга хабар бермагансан, демак, сен ҳам ўша ташкилотга аъзосан", деган айб қўйилган ва қийноққа солинган. Ғози Юнуснинг рафиқаси Ҳадича Алиева ҳам ана шу тарзда қамоққа олинган. Ҳадича Алиева ўша даврларни шундай эслайди: "Мени турмада қолдиришди, қизларни эса чирқиратганча бошқа жойга олиб кетишди. Камерага кирсам, бир тўда аёл бир-бирининг пинжига кириб, жовдираб қараб турибди. Кўзим қоронғуликка кўниккач танидим, Собира Холдорова, Файзулла Хўжаевнинг онаси, хуллас, ким қамалган бўлса, аёллари шу ерга тиқилган экан. Чўлпон аканинг аёли югуриб келиб, мени қучоқлаб олди... Бир куни овқат олиб келувчи "Ҳадича опа ким?" деб сўради. Аёллар менга ишора қилди. Овқат олиш навбати менга келган-да ҳалиги киши букланган қоғозни яширинча қўлимга тутқазди. Собира Холдорова дарров қўлимдаги қоғозни юлиб олиб, ўқишга тутинди. Бу Чўлпон аканинг мен ва мен сингари қамоқда ўтирган аёлларга бағишланган шеъри экан. Чўлпон ака афтидан ўзининг аёли ҳам қамалганини, биз билан бир камерада ётганини билмаган. У бизни замонамиз қаҳрамонлари сифатида шеърга солиб, улуғлаган, кўп таъсирчан, самимий сифатларда матонатли бўлишга ундаган эди".

Қаранг, Чўлпон ўзининг абгор ҳолига қарамай, ўзбек аёллари ҳақида қайғурган, уларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилган. Айни шу ҳолат Чўлпоннинг чин маънодаги шахсга айланганини билдиради. Мен ёзувчи деганда мана шундай фидойи, ўзлигини сақлаб қолган, ўзини эмас, бошқалар манфаати учун қайғурадиган одамни тушунаман. Ҳолбуки, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги вазифаси ана шундан иборат бўлиши керак. Яхшими-ёмонми, ҳар қандай вазиятда ўзлигидан воз кечмаслик, ўзидан яхши хотира қолдириш ўзлигини англаган ҳар қандай киши олдидаги энг муҳим вазифадир.

**— Кўп йиллар "Шаҳидлар хотираси" жамғармасига раҳбарлик қилдингиз, фаолиятингизнинг асосий жиҳати шу билан боғлиқ. Юртимизда мустақиллик йилларида миллатимиз фидойилари номини оқлаш, хотирасини абадийлаштириш борасида улкан тарихий ишлар амалга оширилди. Шу ўринда бир савол туғилади. Худди шу каби саъй-ҳаракатлар ён-атрофимиздаги республикаларда ҳам бўлганми?**

— Мамлакатимизда 1999 йилда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси, кейин "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси тузилди. Шу асосда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ташкил этилди. Ўша йиллардаёқ қатағон қурбонлари хотирасини тиклаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Ўша даврда бундай уринишлар бошқа республикаларда йўқ эди. Уларнинг ҳаммаси кейинчалик маълум маънода биздан ибрат, андоза олган. Лекин уларда ҳали ҳам бизда бўлмаган бир амалиёт бор. Масалан, анча йиллар олдин Қозоғистоннинг "Чимкент" газетасида чимкентлик қатағон қурбонларининг рўйхати номма-ном эълон қилинганига кўзим тушган. Қозоғистоннинг бошқа вилоятларида чоп этиладиган газеталарида ҳам мана шундай рўйхатлар чиққанини эшитганман. Бундан ташқари, Россиянинг ҳамма ўлкаларида қатағон даврига оид хотира китоблари чиқарилган. Афсуски, бизда шундай ҳаракатлар олиб борилмади. Бу масалани ўша пайтда бир неча марта кўтарсак-да натижа бўлмади. Қолаверса, Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига бағишлаб ташкил этилган Хотира майдонидаги рўйхатга ўхшаш қатағон қурбонлари рўйхатини шакллантирмоқчи бўлдик. Аниқ маълумотлар камлиги туфайли бу иш ҳам қолиб кетди.

1939 йилга тааллуқли бир ҳужжатни ўрганганимда 450 минг киши қатағон қилингани ёзилганига гувоҳ бўлганман. Бу ўша давргача бўлган қурбонлар сони эди. Ундан кейин ҳам қанчадан-қанча инсонлар қатағон қилинган. Лекин аниқ рақамлар, исм-шарифлар, рўйхатлар мавжуд эмас. Шундай ўрганишлар давомида "касаллиги туфайли", "қарилиги сабаб" вафот этди, деб ёзилган маълумотномаларга кўп дуч келганман. Судгача етиб бормаганлар эса қатағон қилинганлар ҳисобига киритилмас экан...:

**— Сиз ўрганган ва ўрганиб келаётган адабий жараён, муҳит ва замондан шундай хулоса чиқадики, ижод аҳли ўз замонидаги сиёсат билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бориши керак. Бадиий тафаккур сиёсий тафаккур билан баъзан мос, баъзан зид келади. Давлат сиёсати — алоҳида фаолият. Лекин нега ижодкорлар билан бевосита ҳамкорликда ишлайди, ижодкорнинг дунёсига аралашади, ижодкорнинг тақдирини ҳал қилади? Акс ҳолда роман, мақола ёзиб юрган Абдулла Қодирий халқ душмани бўлармиди? "Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал" деган Чўлпон отишга ҳукм қилинармиди? Нима деб ўйлайсиз, нега мана шундай парадоксал ҳолатлар юзага келади?**

— Энг қадимги ижод намуналари — "Қутадғу билиг"даги қўшиқлар ва бошқа шоирларнинг ижодига назар ташласак, азал-азалдан халқ адабиёт воситасида тарбияланган. Одамларнинг дунёқараши, ижтимоий олами, руҳияти шаклланишида адабиёт жуда катта роль ўйнаган. Мана шу кучдан давлат ҳамиша фойдаланиб келади. Ахир, адабиётнинг тарғибот кучи билан Фарҳод ГЭСи қурилмаганмиди, Катта Фарғона канали қазилмаганмиди? Шу сабабли узоқ йиллар давомида ҳукуматнинг асосий тили ва кучи адабиёт бўлган. Ўз ўрнида давлат ижодкорларни синфларга ажратган. Агар ёзувчи сиёсатни қўллаб-қувватламаса, халқ душманига айланган, айтганига қулоқ солса, мукофотлар тортиқ қилаверган. Агар адабиёт давлат сиёсатини қўллаб-қувватласа-ю, давлат адолатли бўлмаса, у ўз-ўзидан парчаланиб кетишига яқин тарихда ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги босқичга кўтарилган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотлар, халқаро ва минтақавий миқёсдаги масалалар, энг аввало, қалби уйғоқ ижодкорлар назарида бўлиши лозим. Давлатимиз раҳбари 10 август куни пойтахтда қурилаётган бир қатор иншоотлар, жумладан, Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига атаб барпо этилаётган кўп қаватли уйлар билан танишар экан, шу баҳона ижод аҳли билан ҳам суҳбатлашди. "Сиз, ижодкорлар билан учрашиш менга куч-қувват беради. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда ижодкор-зиёлиларга таянаман. Биз ўтган йилларда катта камчиликка йўл қўйдик, сизларнинг жамиятда тутган ўрнингизга етарлича эътибор беролмадик, оқибатда маънавият соҳасида оқсаш юзага келди. Бу барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказди" деб таъкидлади. Мулоқот давомида бугун юртимизда олиб борилаётган ҳар бир ислоҳот, аввало, халқимиз, унинг фаровон турмуш тарзи учун, энг муҳими, миллат маънавиятини янада юксалтириш учун эканини алоҳида қайд этиб, бу борада қилинган ва энди қилинажак ишлар юзасидан самимий фикрлар билдириб ўтди.

Самимий руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтган суҳбат чоғида бир нарсага алоҳида эътибор бердим: гарчи мамлакат раҳбари зиммасида беқиёс ташвиш — аввало, юрт ва халқ тақдири, иқтисодий-ижтимоий муаммолар, халқаро музокаралар, ёшлар ва уларнинг келажаги каби адоқсиз масъулият турган бўлса ҳам, бир дақиқа бўлсин маънавият ва адабиёт соҳасини унутмай, ҳамиша энг муҳим масала сифатида қадрлаб келаётгани барчамизни яна бир карра қувонтирди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари адабиётнинг катта куч эканини яхши тушунади, уни ўзининг сиёсати тарғиботчиси сифатида кўради. Демак, ёзувчи ижодкор ҳар қандай шароит ва даврда ҳам ўзининг шахс сифатидаги қиёфасини йўқотмаслиги, ўзлигини сақлаб қолиши, биринчи навбатда, халққа хизмат қилиши, ҳақиқатни айта олишини бир дам бўлса-да унутмаслиги шарт.

**Суҳбатни "Milliy tiklanish" мухбири Мухторбек АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

UZ DONGJU
PAINT



# “Уз-ДОНГЖУ ПЭИНТ КО” қўшма корхонаси жамоаси

*Ўзбекистон халқини саодатли айём —*

# Истиқлолнинг 27 йиллиги

*билан самимий табриклайди.*







Лак-бўёқ маҳсулотлари бозорида
**17 йил**
Ишчи-ходимлар сони:
**607 нафар**
Маҳсулот:
**80 турдан ортиқ**
Савдо ҳажми (2017 йил ҳолатига)
**108,3 млрд. сўм**
Ишлаб чиқариш қуввати:
лак-бўёқ маҳсулотлари йилига
**11,5 минг тонна**
**240 минг комплект**
**автомашина учун резина**
**бутловчи қисмлар**
**230 минг жуфт спорт оёқ кийими**
(бир смена 8 соатли иш вақти)
Маҳсулот экспорти:
**Қозоғистон, Қирғизстон, Туркманистон, Россия, Озарбайжон, Жанубий Корея, Украина**




# Энг улуғ, энг азиз байрам барчага муборак бўлсин, азизлар!

Маҳсулот сертификатланган

Реклама




Реклама




Тақдимот

## "ТЕГИРМОН" — ЧЎЛПОН ҲАҚИДАГИ ЯНГИ АСАР

***Нашрдан чиққан ҳар бир янги китоб адабиёт аҳли, сўзни қадрлаган ва ҳис этган инсон учун энг яхши туҳфа, чинакам байрам. Таниқли ёзувчи ва шоир, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Наби Жалолиддиннинг улуғ маърифатпарвар адиб Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи "Тегирмон" романи ҳам китобхонлар учун ана шундай туҳфа бўлди.***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган мазкур китоб тақдимотида мустақиллик йилларида миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш, улуғ аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида қатор ишлар амалга оширилгани ва бу йўналишдаги ишларнинг бардавомлиги таъкидланди.

Пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи, "Қатағон қурбонлари хотираси" давлат музейи барпо этилгани, аждодларимиз, хусусан, миллий озодлик йўлида курашган ва бу йўлда қурбон бўлган маърифатпарвар боболаримизнинг бой маънавий меросини тадқиқ этиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани бунинг далилидир. Таъкидланганидек, бундай эзгу ва хайрли иш мустақилликка эришилганидан сўнг МДҲ мамлакатлари орасида даставвал айнан бизнинг она Ватанимизда бошланган.

— Маърифатпарвар бобомиз Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳақида китоб ёзишни аввалдан ўйлаб юрардим, — дейди Наби Жалолиддин. — Аммо бунинг учун муайян тайёргарлик, билим, маҳорат, тажриба ва салоҳият ҳам кераклиги сир эмас. Эзгу ният билан бошланган ишга Яратганнинг ўзи куч-қувват бераркан. Албатта, асар ҳақидаги энг холис баҳони ўқувчининг ўзи беради.

"Тегирмон" романи мустабид тузум даври, унинг маърифатпарвар шоир Чўлпоннинг бошига солган қора кунлар, доимий таъқиб, разилликлар ва шоирнинг аянчли қисмати ҳақида. Дарҳақиқат, мустамлака зулми туфайли халқимиз салоҳиятли фарзандлари кўп жабру ситам кўрди. Ўз Ватанининг мустақил, эркин бўлиб яшашини ич-ичидан хоҳлаган ва бунинг учун курашган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Файзулла Хўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Усмон Носир, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ва бошқа маърифатпарвар боболаримизни жисмонан маҳв этди. Муаллиф романда ана шундай мураккаб даврни бор бўйи билан очиб беришни мақсад қилган ва бунга эришган.

Тақдимотда академик Наим Каримов, таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров, Чўлпоннинг жияни Шарифа ая роман ҳақида фикр-мулоҳазаларини бирдирдилар.

Мухтасар айтганда, мазкур асар Чўлпоннинг машаққатли ҳаёт ва ижод йўли ҳамда ўша давр тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 916, Адади — 3912. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
**Навбатчи:** Дилфуза МАҲКАМОВА
**Саҳифаловчи:** Жалолиддин ЎРИНОВ
**Электрон почта:** e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 02.05. ЎзА якуни — 23.43
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12 156